

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Оқтош дон” АЖ күзатув кенгашининг
21 апрел 2016 йилдаги



**“ОҚТОШ ДОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. АХБОРОТ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ	3
III. ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ МАЖБУРИЙ ОШКОР ҚИЛИНАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ	4
IV. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РҮЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ	5
V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО АХБОРОТ АЛМАШИНУВ ТАРТИБИ	6
VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР	7
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	7



I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" ва "Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларига, Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 02 июлдаги "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 176-сонли ва 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш холатини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 355-сонли қарорларига, кимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларига (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) хамда Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом "Оқтош дон" акциядорлик жамияти (қуйида матн бўйича - "Жамият")нинг мажбурий ошкор қилинадиган ахборот ва хужжатлари рўйхатини белгилайди, шунингдек уларнинг тақдим қилиниш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. Ахборот сиёсати мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (қуйида матн бўйича - "манфаатдор шахслар")нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида шубҳасиз тўғри маълумотларга ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашдан иборат.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида шубҳасиз тўғри маълумотлар олиш хуқуқларини тўлиқ реализация қилишга, улар томонидан жиддий инвестиция ва бошқарувчилик қарорлари қабул қилинишига, шунингдек Жамият тўғрисидаги махфий ахборотни химоя қилишга йўналтирилган.

4. Ахборотни тижорат сирига киритиш, ундан фойдаланиш шартларини белгилаш тартиби Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги Конунига ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Ахборот сиёсати тамойиллари ахборот ресурсларининг мунтазамлиги, тезкорлиги, жоизлиги, тўлиқлиги, teng xуқуқлилиги, мувозанатланганлиги, химояланганлигидан иборат.

6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан мунтазам асосда манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисида ахборот тақдим қилишга йўналтирилган.

7. Тезкорлик тамойили Жамият киска муддатларда манфаатдор ~~тадбирлари~~ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатаётган, шунингдеги ~~тадбирларини~~ манфаатларига тегишли жиддий воеа-ходисалар тўғрисида ~~хадарлор килишини~~ англатади.



8. Ахборот жоизлиги тамойили, дейилгандан Жамият ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тарқатишнинг манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, қийинчиликларсиз ва танланишсиз фойдаланишини таъминлайдиган каналлари ва усулларидан фойдаланилиши тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга, Жамият тўғрисида, Жамият фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасавурни шакллантириш имконини берадиган хажмда ўзи тўғрисидаги салбий маълумотларни ошкор қилишдан бош тортмаган холда, хақиқатга мувофиқ ахборот тақдим қилишини англатади.

10. Тенг хуқуқлилик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олишда ва улардан фойдаланишда тенг хукуклар таъминланишини англатади.

11. Мувозанатланганлик тамойили Жамиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги хамда уйнинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўргасидаги оқилона мувозанатга риоя қилинишини назарда тутади. Бунда қуйидагилар мажбурий шартлар хисобланади:

махфий ахборотни химоя қилиш;

қонунлар ва Жамиятнинг ички хужжатлари билан белгиланган инсайдерлик маълумотларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

12. Ҳимояланганлик тамойили тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ёхуд маҳфий ахборот хисобланган маълумотлар химояланишининг қонунлар билан рухсат берилган усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутади.

III. ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ МАЖБУРИЙ ОШКОР ҚИЛИНАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

13. Жамият Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 02 июлдаги "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 176-сонли ва 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш холатини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 355-сонли қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган хажмларда, муддатларда ва усулларда мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ошкор киласди.

14. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Умумий (ягона) корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида (www.openinfo.csm.track.uz);

фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида (www.oqitoshdon.uz);

оммавий ахборот воситаларида.



15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ўз ичига олган хужжатлар куйидагилардан иборат:

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар очик эълон қилинадиган холатда);

Жамиятнинг йиллик хисоботи, шу жумладан Халқаро молиявий хисоботлар стандартларига мувофиқ тузилган хисобот;

Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўккиз ойи бўйича хисоботи;

Жамият фаолиятидаги жиддий воеа-ходисалар тўғрисидаги хабар.

Жамият юқорида қайд этилган маълумотларни Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим қилиш ва эълон қилиш қондалари (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қиласди.

16. Жамият www.oqioshdon.uz расмий веб-сайтига эга ва унда Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 02 июлдаги "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 176-сонли қарори билан рўйхати белгиланган маълумотларнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

17. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор қилинадиган маълумотлар куйидагилардан иборат:

Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш тўғрисида хабар;

Жамият жойлашган манзил (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгаришлари тўғрисида билдириш;

Жамиятнинг акциялар ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларини харид қилиш имтиёзли хукуқига эга акциядорларига таклиф;

Жамият томонидан акциялар харид қилиниши тўғрисида ахборот;

Жамият тугатилиши, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабномалар топшириш тартиби ва муддати тўғрисида ахборот.

IV. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

18. Жамият ўз расмий веб-сайтининг инглиз, рус ва манфаатдор шахслар учун қулай бошқа тиллардаги версияларини ташкил қилиш, уларда тааллукли тилга таржима қилинган давлат тилидаги мавжуд барча ахборотни жойлаштириш орқали мазкур расмий веб-сайтнинг такомиллаштирилишини таъминлайди.

19. Жамият ўз расмий веб-сайтида куйидаги қўшимча ахборотни ошкор қиласди:

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш ва унга ~~руси~~ қилиш мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

ижроия органи тўғрисидаги маълумот, шу жумладан мазкур ~~руси~~ қилиш даврида;



Жамият ижроия органи фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижалари;

Жамият акцияларининг 20 фоизидан кўпрогига эга акциядорлар тўғрисида ахборот;

таклиф қилинаётган соф фойда тақсимланишини, дивидендлар миқдорини асослайдиган, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолайдиган, шунингдек, зарур холларда, соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш хажмларини изохлайдиган ва иктисадий жихатдан асослайдиган маълумотлар;

Жамиятнинг инвестиция лойихалари шаклида реализация қилинадиган техник қайта таъминлаш, кенгайтириш, қайта тиклашни амалга ошириш бўйича кутиладиган соф фойда қайд этилган режалари;

мавжуд бўлган холатда, акциялар баҳоланиши бўйича ахборот, шунингдек асосий ва техник тахлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва консультантларнинг изохлари ва прогнозлари;

мавжуд бўлган холатда, Жамиятнинг бизнес турлари бўйича капитал нархи ва Жамият капиталининг ўртача белгиланган нархи қийматлари, ушбу кўрсаткичлар қийматлари асосланган холда;

хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) ва тегишли қарорлар қабул қилиш тартиби, шартлари тўғрисида ахборот, шунингдек кўрсатилган (олинган) хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам бизнес-режасига нисбатан умумий сумма.

20. Кузатув кенгаши ва ижроия органи иш хаки ва бадаллари миқдори тўғрисидаги ахборот Акциядорлар умумий йиғилишида ошкор қилинади ва Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

21. Жамият қонунлар билан назарда тутилган ахборотни ошкор қилиш учун бошка манбаларда хам Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО АХБОРОТ АЛМАШИНУВ ТАРТИБИ

22. Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг жамият манфаатдор шахслари билан ўзаро ахборот алмашинуви учун ахборот алмашинувини амалга оширувчи масъул ходимни тайинлайди.

23. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотни тақдим қилиш тўғрисида ёзма (электрон) талаби бўйича жамиятнинг масъул ходими, агар қонунлар билан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, бир хафта мобайнида электрон кўринишда барча керакли ахборотни тақдим қиласди.

24. Хужжатларнинг нусхаларини тақдим қилиш зарур холларда, манфаатдор шахс тўловни амалга оширади, ушбу тўлов миқдори хужжатлар нусхаларини ~~тажъорған~~ учун сарф-харажатлар ва хужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ сарф-харажатлар тўлови қийматидан юқори бўлиши мумкин эмас.



25. Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат ёки конун билан химояланадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилиш хуқуқига эга эмас.

VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

26. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис, ҳисобчи, шунингдек худди шу турдаги ваколатлар берилган шахслар оммавий ахборот воситаларида мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотнинг ошкор қилиниши ва Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши учун жавобгар хисобланади.

Ижроия органи рахбари ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар Жамият номидан вакиллик қилиш хуқуқига эга эмас.

27. Ахборотнинг тўлиқ, шубҳасиз тўғри ва ўз вақтида ошкор қилинишига Жамият ижроия органи рахбари жавобгар бўлади.

28. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йилнинг хар чорагида ижроия органнинг мазкур Низом талаблари бажарилиши жараёни тўғрисидаги хисоботини тинглайди.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг ташкил қилиниши, холати ва шубҳасиз тўғрилигига Жамият ижроия органи жавобгар бўлади.

Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, шубҳасиз тўғри ва тўлиқ ошкор қилиниши ижроия орган фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга хақ (бонуслар) тўлаш шарти хисобланади.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

31. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан унинг йиғилишда бевосита қатнашган ёки сиртдан овоз беришда иштирок қилган аъзолари кўпчилик овозлари билан тасдиқланади.

32. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг унинг аъзолари кўпчилик овозлари билан қабул қилинган қарори бўйича киритилади.

33. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллукли ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун меъёрларига ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши керак.

